

ТЕЗИС

I. Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича.

Январь-март ойлари якуни билан **161,0 млн. доллар** хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган бўлиб, амалда **175 млн. доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштирилди (*2023 йил мос даврига нисбатан 2,6 баробар кўп*).

Мисол учун, Қумкўрғон туманида “**Qumtex invest**” МЧЖ томонидан тўқимачилик фабрикасини ташкил этиш (мато тўқиши ва бўяш 1-босқич) лойиҳасида **11,1 млн. доллар**;

Музработ туманида “**Блесс С.Р**” МЧЖ томонидан замонавий агрологистика маркази ташкил этиш лойиҳасида **6 млн. доллар**;

Шеробод туманида “**Fortres**” МЧЖ томонидан ип-калава ишлаб чиқариш ҳамда тайёр мато бўяшни ташкил этиш лойиҳасида **5,0 млн. доллар**;

Олтинсой туманида “**Expo group coal**” МЧЖ томонидан кўмир қазиб олишни ташкил этиш лойиҳасида **4,7 млн. доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Жорий йилдан ўзлаштирилган инвестицияларни ҳар ой якуни билан статистик ҳисботларда акс эттириш бўйича топшириғингиз асосида лойиҳаларда ўзлаштирилган инвестицияларни ҳисботларда тўлиқ акс эттириш бўйича ишларни йўлга қўйганмиз.

Жорий йилнинг **II чорагида 187,4 млн доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштирилади, шундан апрел ойида **55,1 млн доллар** инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

Белгиланган режани ортиғи билан бажариш бўйича **лоийҳабай** ҳисоб-китобларни ишлаб чиқганмиз.

II. Ҳудудий Инвестиция дастури ижроси бўйича.

Жорий йилнинг январ-март ойларида умумий қиймати 134 млн. долл бўлган **114 та** лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига **1 448 та** янги иш ўринлари яратилган.

Тармоқлар кесимида таҳлил қиласиган бўлсак:

саноат соҳасида қиймати **113,9 млн. долл** бўлган **20 та** лойиҳада **726 та** иш ўрни;

қишлоқ хўжалиги соҳасида қиймати **8,3 млн. долл** бўлган **19 та** лойиҳада **321 та** иш ўрни;

хизмат кўрсатиш соҳасида қиймати **111,8 млн.долл** бўлган **75 та** лойиҳада **401 та** иш ўринлари яратилди.

Мисол учун:

Музрабод туманида "OSIYO DARMON SERVIS" ХК томонидан йилига **30 минг дона** тиббиёт қўлқоплари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси фойдаланишга топширилди ва натижада **150 та** янги иш ўринлари яратилди;

Сариосиё туманида "Шаргункўмир" АЖ томонидан йилига **900 минг тонна** кўмир қазиб олиш қувватига эга бўлган лойиҳаси фойдаланишга топширилди ва натижада **450 та** янги иш ўринлари яратилди;

Шўрчи туманида "Кўхинур Проогресс" МЧЖ томонидан йилига **4 минг дона** электромотороллерлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси фойдаланишга топширилди ва натижада **25 та** янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг апрель ойида умумий қиймати **12,5 млн долл** бўлган **20 та** лойиҳа ишга тушириш ҳисобига **350 та** янги иш ўринлари ташкил этилади.